# «Қабулга ёзилиш» электрон давлат хизматидан фойдаланиш

«Электрон солиқ хизматлари» портали бош саҳифасининг хизматлар йўналишлари бўйича сараланган «Мурожаатларни юбориш» блокида «Қабулга ёзилиш» электрон давлат хизмати жойлаштирилган.




Ушбу хизмат интерактив хизматлар тоифасига мансублигини инобатга олиб, мазкур хизматдан шу ердан фойдаланиш имконияти мавжуд.



Бу хизматда Давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари қабулига ёзилиш имкониятлари берилади. Қабулга ёзилган фуқаролар учун махсус «Фуқаролар мурожаатларини қайд этиш карточкаси» автоматик тарзда шакллантирилади. Қабулга ёзилган фуқаро белгиланган муддатда қабулга келиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ва ушбу карточкани тақдим этган ҳолда карточкада белгиланган вақтда навбатсиз қабулга киритилади. Мазкур хизмат Давлат солиқ хизмати органларида ишга туширилган.

Давлат солиқ органининг раҳбар ва мансабдор шахслари қабулига ёзилиш учун қуйида тасвирланган кўринишда **3 та** қисмга бўлинади, яъни:




1.Давлат солиқ қўмитаси;

2.Давлат солиқ бошқармаси;

3.Давлат солиқ инспекцияси.

Давлат солиқ қўмитаси танланиб тугма босилганда марказий аппарати раҳбарияти ойнада акс этирилади. Мазкур раҳбарларнинг қабулига ёзилиш учун “Қабулга ёзилиш” тумаси босилади.

Мансабдор шахс танлангандан сўнг, хизматдан фойдаланувчи ўзига тегишли маълумотларни, яъни Фамилия, Исми, Отасининг исми, паспорт маълумотлари, СТИР рақами, телефон рақамини, электрон почта манзилини, яшаш манзилини, мурожаатнинг қисқача мазмуни ёки мақсадини қайд этиши лозим.






Маълумотлар тўлдирилгандан кейин химоя коди терилади ва «Юбориш» тугмаси босилади. Натижаси бўйича электрон кўринишида маълумот тақдим этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органларининг «Электрон солиқ хизматлари» портали**

my.soliq.uz

| Қабулга ёзилиш варақаси | | |
|---|---|---|
| Фуқаро: | Категория: | Жисмоний шахс |
| | Ф.И.Ш: | Ниязов Шерзод Хакимович |
| | Паспорт серия ва рақами: | АА 8993706 |
| | СТИР: | 493987905 |
| | Телефон: | 998998201440 |
| | E-mail: | javdin1@icloud.com |
| | Манзил: | г.Ташкент,Мирабадский р-н., 8 проезд, ул.Мироншох, д.2 |
| Солиқ органи: | Давлат солиқ қўмитаси | |
| Кимни қабулига: | Парпиев Ботир Рахматович | |
| Мурожаат мазмуни: | Қарордан норозиман | |
| Мурожаат санаси: | 23.08.2017 20:15:50 | |
| Мурожаат рақами: | 124-2017 | |
| Давлат солиқ инспектори: | САЛИМОВ ФОРОБИЙ МАХАМАДЖАНОВИЧ | |
| Телефон: | (0-371) 244-97-16 | |
| Қабул санаси: | 25.08.2017 | |
| Қабул вақти: | 09:00 | |
| Манзил: | Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-а уй | |

Изоҳ: Солиқ тўловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ҳамда онлайн режимда ёзиб кўрсатилган маълумотлар билан мос келиши шарт.

«Онлайн» режимида ёзилган фуқаро белгиланган муддатда қабулга келиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ва ушбу карточкани тақдим этган ҳолда карточкада белгиланган вақтда навбатсиз қабулга киритилади.

Солиқ тўловчи томонидан кечикиб келиш ҳолати, белгиланган қабул вақтидан 10 дақиқадан ошса, ушбу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади ва ўрнатилган тартибда навбатда туриши лозим.